

**ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ
МАВЗУСИДА МАҚОЛА****Таджиев Азамат Алибоевич****Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
“Тергов фаолияти” кафедраси катта ўқитувчиси****Сапабаев Зафарбек Назарбой ўғли****Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси****3-босқич 325-гуруҳ курсанти****<https://doi.org/10.5281/zenodo.15693106>****Аннотация**

Жиноят натижасида етказилган мулкий зарарнинг умумий тушунчаси, ушбу зарарни жиноятни содир қилган шахслар томонидан қопланиши, зарарни қоплатиш тергов фаолияти бўйича қандай чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига қамраб олганлиги, зарари қоплатишни такомиллаштириш.

Таянч сўзлар

Мулкий зарар, зарари қоплатиш чора тадбирлари, мулкий зарарни қоплатишни такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра: “Хар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш шаклларида бири – жиноят иши бўйича жиноятларни тергов қилишда ва суд муҳокамасида фуқаровий даъвони қўзғатиш имкониятининг мавжудлигидир¹.

Шу билан бирга содир этилган жиноят нафақат қонун билан қўриқланадиган муносабатларга, шу жумладан, инсон манфаатларига ҳам маълум даражада зарар етказади. Зарар моддий, жисмоний ёки маънавий шаклларда намоён бўлади. Умум эътироф этилган принципларга асосан етказилган зарар қопланиши ёки бартараф этилиши лозим².

Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат органлари фаолиятининг асосий вазифалари сифатида қайд этилган.

Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида етказилган зарар ўз хусусиятига кўра, моддий, жисмоний ёки маънавий шаклларда бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасига асосан жиноят туфайли етказилган зённинг хусусияти ва миқдори жиноят ишида исботланиши лозим бўлган ҳолат ва айблaш учун асос ҳисобланади. Жиноий қилмиш

¹ Б.Б.Муродов. Жиноят-протсессуал қонун нормаларини эркинлаштириш йўллари // Олий юридик ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи фанларнинг ўқитишнинг замонавий муаммолари. Тошкент. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факултети 2009. Б. 66-69.

² Б.Б.Муродов. Жиноят-протсессуал муносабатларда ҳимоячининг иштироки // “Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎзР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. – Тошкент, 2010. Б. 171-175.

туфайли етказилган зарарли оқибатлар ўз навбатида жиноятнинг юридик квалификациясига ўз таъсирини ўтказди³.

Жиноят туфайли моддий зарар етказилиши мулкӣй ва номулкӣй зарарнинг мавжудлигини билдиради. Демак, жиноят туфайли мулкӣй (моддий) зарар ёки жиноят оқибатида номоддий шаклда зарар етказиш мумкин. Бунда номоддий оқибатлар (маънавий ёки жисмоний азият чекишлар)ни уларнинг бутун оғирлиги ёки ижтимоий хавфлигига қарамасдан, пул билан ўлчашнинг имконияти бўлганидек, моддий оқибатлар, авваламбор, моддий объектларга (предметга) жиноий тажовуз қилиш орқали етказилган мулкӣй зарар сон ва миқдор хусусиятларига эга бўлиши билан ўз ифодасина топади ва шунга мос равишда уни пул билан ўлчаш, яъни, мулкӣй зарарни қоплаш мумкин бўлади⁴.

Жиноят натижасида етказилган мулкӣй зарарни қоплаш деганда, жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣй зарарни бартараф этиш учун етказилган зарарни ҳисоблаш, зарар учун моддий жавобгар шахсни аниқлаш ва ушбу шахсдан даъвогар фойдасига у кўрган зарар ўрнини қоплаш ёки пул ундиришга қаратилган чоралар тушунишимиз мумкин.

И.А. Петиннинг таъкидлашича, “зарарнинг ундирилиши турли йўллар билан амалга оширилади: моддий ёки номоддий зарарни тиклаш; салбий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш; тарафларнинг розилигига кўра бошқа компенсация тўловларини амалга ошириш. Моддий зарарни белгилаш ва ундиришда унчалик кўп қийинчиликлар вужудга келмайди”.

С.В. Бородин ўтган асрнинг 90-йилларида жиноят туфайли етказилган зарар билан боғлиқ энг мақбул қоидаларни ишлаб чиққан ва зарарнинг таснифини келтирган. У бу масалада: “жиноятчиликнинг зарарли оқибатини янги жиноятларни содир этишда шароит ва сабаблар келтириб чиқаришда роль ўйнайдиган криминоген (совуққонлик натижасида хўжасизларча ҳолатни яратиш ва ш.к.) ва криминоген бўлмаган (тан жароҳати натижасида зарар етиши, ўғрилиқ оқибатида зарар кўриш ва бошқалар); тиклаш мумкин бўлган (мулкӣй зарар) ва тиклаш мумкин бўлмаган (одам ўлдириш, бадий қийматга эга буюмларни йўқ қилиш ва бошқалар) каби турларга ажратиш мумкин” деган фикрни илгари сурган⁵.

Жиноий ҳаракат туфайли моддий зарар етказилиши мулкӣй зарарнинг мавжудлигини билдиради. Демак, жиноят процессида жиноят туфайли мулкӣй (моддий) зарар етказилиши ёки жиноят оқибатида номоддий шаклда зарар етиши ўз ифодасини топади. Бунда номоддий оқибатларни (масалан, маънавий ёки жисмоний азият чекишлар) уларнинг бутун оғирлиги ёки ижтимоий хавфлигига қарамасдан,

³ Хушвактова Н.А. Коррупцияга оид жиноятларни фош қилиш ва тергов қилишда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш // «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш масалалари»: республика илмий-амалий конференцияси тўплами – Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали, Т: 2022. Б.78-83.

⁴ Б.Б.Муродов. “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанидан ўқув дастури. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2012. Б.24

⁵ Ш.Ш.Суёнов. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни квалификация қилишнинг муҳим жиҳатлари. “Талқин ва тадқиқотлар” Республика илмий-услубий журнали 10сон. 01.10.2022 йил Б. 105-109.

пул билан ўлчашнинг имконияти бўлганидек, моддий оқибатлар, авваламбор, моддий объектларга (предметга) жиноий тажовуз қилиш орқали етказилган зарар сон ва миқдорхусусиятларига эга бўлиб, уни пул билан ўлчаш мумкин бўлади, демак, моддий зарарни қоплаш мумкин бўлади⁶.

Жиноят содир этилиши натижасида етказилган моддий (мулкий) зарар масалаларини тадқиқ этишда ҳозиргача ягона фикрга келинмаган ва юридик адабиётларда ўз аксини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорида таъкидланишича, шуни назарда тутиш лозимки, шахснинг унга етказилган зарарни (яъни мулкий зиённи) қоплашга бўлган ҳуқуқи, шунингдек, зиён учун моддий жавобгарликнинг умумий асослари Фуқаролик кодексида (14-моддаси, 57-боби) белгиланган.

Чунончи, ФК 14-моддасига кўра, зарар деганда, қуйидагилар тушунилади:

ҳуқуқи бузилган шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар)

шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганда одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда)

У.А. Абдурахмонов етказилган моддий зиённи шахсга етказилган зиён, мулкка етказилган зиён ва маънавий зарар каби кўринишларда таърифлаган.

Т.Н.Тиллаевнинг таъкидлашича, жиноят процессида моддий зарар тушунчаси мулкий зарар тушунчасига қараганда кенгроқ маънода таърифланади ва у ўз навбатида мулкий зарарни ҳам ўз ичига қамраб олади. Сабаби, жиноят натижасида мулкий зарар етказиш дейилганда, айнан мулкий муносабатларга етказилган зарар тушунилса, жиноят натижасида моддий зарар етказиш дейилганда мулкий зарардан ташқари жиноят туфайли етказилган бошқа шаклдаги (маънавий ва жисмоний зарардан ташқари) зарар тушунилиши лозим.

“Маънавий зарар” тушунчаси инсонни, яъни жисмоний шахснинг шаънини поймол қилиш, жамоа олдида шахсиятига тегиб, унинг руҳий азият чекишини англатади. Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида бу зарарни қоплаш қоидалари мустаҳкамлаб қўйилган⁷.

Маънавий зарар, *биринчидан*, фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш орқали; *иккинчидан*, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш орқали; *учинчидан*, фуқаролар ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатланган бошқа ҳуқуқларини бузиш-поймол қилиш орқали ҳам етказилиши мумкин.

⁶ Ш.Ш.Суюнов. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлашдаги аҳамияти. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Республика илмий-амалий конференцияси.

⁷ Ш.Ш.Суюнов. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларини сотиш мақсадисиз ноқонуний ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, жинояти тушунчаси // Жамият ва инновация. – 2025. – В. 6. – Но 1/С. – Б. 267-277.

Ф. Тохиров эса жинсий жиноят натижасида юзага келган жисмоний зарарни ушбу жиноятнинг оқибати деб топиш фикрини қувватлаб, бундай оқибатларнинг таснифини келтирган. Лекин у бу масалага фақатгина жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан ёндашган⁸.

Жисмоний зарар шахсни ҳаётдан маҳрум этилишида, унга тан жароҳати етказилишида ва соғлиғига зарар етилишида ўз ифодасини топади. Жиноят туфайли фуқаронинг, корхонанинг, муассасанинг ёки ташкилотнинг мулкӣ ҳолатларига зарар етилиши моддий зарарни келтириб чиқаради. Аммо, шу билан бирга моддий зарар жиноят туфайли мулкни ўзига моддий зарар етмаган ҳолатларда ҳам, масалан, жисмоний шикаст олган жабрланувчи ўз меҳнат қобилиятини қисман йўқотиши оқибатида маошининг маълум улушидан маҳрум бўлганда, ёки унинг қонуний вакили унинг даволаниши учун дори-дармонга харажат қилганда, протез сотиб олганда, кўмиш маросимлари ва бошқа шу кабиларга сарфлаган харажатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Жиноят туфайли вафот этган шахснинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари ёки вояга етмаган болаларини боқиш учун кетадиган харажатлар ҳам фуқаровий жавобгардан ундирилади⁹.

Жиноят натижасида келтирилган мулкӣ зарарни қоплаш жиноий ҳуқуқ тизимида жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларидан биридир. Мулкӣ зарарни тўлиқ ва адолатли тарзда қоплаш жабрланувчиларнинг моддий ва маънавий зарарларини камайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, зарарни қоплаш жиноят содир этган шахсларнинг ўз амаллари учун масъулиятини оширади ва уларнинг жавобгарлигини таъминлайди. Мазкур масалага ҳуқуқий жиҳатдан ечим топишда қонунчилик базасини такомиллаштириш, амалий чора-тадбирларни кучайтириш ҳамда суд тизимидаги муаммоларни бартараф этиш муҳимдир. Ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлаши орқали жиноят оқибатлари камайтирилиб, жамиятда ҳуқуқий тартибот мустаҳкамланади¹⁰.

References:

Используемая литература: Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 25.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // [Электрон манба].
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т., 2009. – Б. 199.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.4. –Т., 2002. – Б. 47.
5. Б.Б.Муродов. Жиноят-протсессуал қонун нормаларини эркинлаштириш йўллари // Олий юридик ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи

⁸ Ш.С.Агоев., Ташев У. Экспертиза фаолиятининг арманистон республикаси жиноят-протсессуал қонунчилигидаги ҳуқуқий асослари //Развитие и инновации в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 48-56.

⁹ А.Т.Аширбоев. Жиноят ишини тўхтатиш тушунчаси ва аҳамияти. Эксперткриминалистик фаолият: истиқболлар ва инновациялар мавзусидаги халқаро конференция материллари тўплами. Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2023. – Б. 381-388.

¹⁰ Н.Қ.Усманалиев. Байназов Ж. Ўғирлик жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг янги усуллари //Наука и инновации в системе образования. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 69-74.

фанларнинг ўқитишнинг замонавий муаммолари. Тошкент. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факултети 2009. Б. 66-69.

6. *Б.Б.Муродов.* Жиноят-протсессуал муносабатларда ҳимоячининг иштироки // “Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎЗР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. – Тошкент, 2010. Б. 171-175.

7. *Б.Б.Муродов.* Хусусий айблов институтини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015й.Б. 34-40.

8. *Б.Б.Муродов.* “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанидан ўқув дастури. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. Б.24

9. *Ш.Ш.Суюнов.* Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни квалификатсия қилишнинг муҳим жиҳатлари. “Талқин ва тадқиқотлар” Республика илмий-услубий журнали 10сон. 01.10.2022 йил Б. 105-109.

10. *Ш.Ш.Суюнов.* Компютер техника воситалари орқали содир этилган фирибгарлик жинояти турлари. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Республика илмий-амалий конференцияси. 9.06.2023 йил

11. *Ш.Ш.Суюнов.* Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлашдаги аҳамияти. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Республика илмий-амалий конференцияси.

12. *Ш.Ш.Суюнов.* Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларини сотиш мақсадисиз ноқонуний ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, жинояти тушунчаси // Жамият ва инновация. – 2025. – В. 6. – Но 1/С. – Б. 267-277.

13. *А.Т.Аширбоев.* Айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган ҳолларда жиноят ишини тўхтатишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Жамият ва инновациялар № 1 (2024).– 2024. – 314-320 б.

14. *А.Т.Аширбоев.* Жиноят ишини тўхтатиш тушунчаси ва аҳамияти. Эксперткриминалистик фаолият: истиқболлар ва инновациялар мавзусидаги халқаро конференция материллари тўплами. Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2023. – Б. 381-388.

15. *А.Т.Аширбоев.* Айбланувчининг иштирокини таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда дастлабки терговни тўхтатиш: Назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Ахборотномаси № 1 (2024).– 2024. 95-98 б.

16. *А.Т.Аширбоев.* Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институти: халқаро тажриба ва ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 14. – С. 37-42.

17. *Н.Қ.Усманиев.* “Оқилона муддат” тамоййилини жорий этиш назарий ва амалий жиҳатлари //Наука и инновации в системе образования. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 44-50.

18. *Н.Қ.Усманиев.* Жиноят ишини юритишни тўхтатиш ва тиклаш муддатлари

- билан боғлиқ айрим мулоҳазалар //Теоретические аспекты становления педагогических наук. – 2025. – Т. 4. – №. 6. – С. 40-47.
19. *Н.Қ.Усманиев*. Протсессуал муддатларнинг ҳисоблашда қўлланилувчи меъзонларнинг айрим жиҳатлари //проблемс анд солутсионс оф ссиентифис анд инновативе ресеарч. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 25-30.
20. *Н.Қ.Усманиев, Байназов Ж.* Ўғирлик жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш тергов ҳаракатининг янги усуллари //Наука и инновации в системе образования. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 69-74.
21. *Ш.С.Агоев, Шакирова С.* Қийнаш жиноятини тергов қилиш: назария ва амалиёт //Развитие и инновации в науке. –2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 75-81.
22. *Ш.С.Агоев, Абдухамидов А.* Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг ахамияти //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 7. – С. 49-51.
23. *Ш.С.Агоев, Асатуллаев Д.* Ахборот технологиялари соҳасидаги ўғирлик жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 7. – С. 31-35.
24. *Ш.С.Агоев, Ташев У.* Экспертиза фаолиятининг арманистон республикаси жиноят-протсессуал қонунчилигидаги ҳуқуқий асослари //Развитие и инновации в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 48-56.
25. *Хушвактова Н.А.* Факторы, препятствующие эффективному использо-ванию общественного участия в досудебном производстве / Н.А. Хушвактова // Теоретические аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения: сб. ст. по материалам LXV Международной научно-практической конференции «Теорети-ческие аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения». – № 11(65). – Москва, Изд. «Интернаука», 2022. DOI:10.32743/25419889.2022.11.65.346588
26. *Хушвактова Н.А.* Коррупцияга оид жиноятларни фош қилиш ва тергов қилишда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш // «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш масалалари»: республика илмий-амалий конференцияси тўплами – Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали, Т: 2022. Б.78-83.